

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ТОҒАЕВ АНВАР АБДУСАЛОМОВИЧ

**ОЗ ТОИФАЛИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ РАМА
КОНСТРУКЦИЯСИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тоғаев Анвар Абдусаломович

О3 тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг
параметрларини асослаш..... 3

Тоғаев Анвар Абдусаломович

Обоснование параметров рамных конструкций транспортных средств
категории О3..... 27

Togaev Anvar Abdusalomovich

Justification of parameters of frame structures of vehicles of category O3..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

2

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ТОҒАЕВ АНВАР АБДУСАЛОМОВИЧ

ОЗ ТОИФАЛИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ РАМА

КОНСТРУКЦИЯСИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

3

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tayi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович, техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович, техника фанлари доктори, профессор

Аликулов Саттор Рамазонович, техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкентдаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги

мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, А.Темур шоҳ кўчаси 20 уй. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-45.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.М.Бабоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.А.Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

4

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган технология ва техника воситаларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Агар дунё бўйича 4 млрд. 889 млн. гектар майдонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини ҳисобга олсак»¹, бу маҳсулотларни ташиш учун ОЗ тоифали транспорт воситаларини яратиш ниҳоятда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган чет эл мамлакатларида, жумладан «АҚШ, Германия, Англия, Италия, Франция, Норвегия, Венгрия, Чехия ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишда иш унумдорлигини оширувчи транспорт воситаларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда»².

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги юкларини ташишда энергия сарфини камайтириш ва юқори самарадорликка эга бўлган техникаларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, жумладан энергия ва ресурсларни тежаш ҳисобига ёқилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни камайтириш, иш унумдорлигини

ошириш мақсадида қишлоқ хўжалигида юкларни ташишни амалга оширадиган транспорт воситаларини яратишга бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу эса транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини асослашда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари рама конструкцияларининг мустаҳкамлик ва ишончлилиқ кўрсаткичлари билан бир қаторда иқтисодий самарасини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий-тадқиқотларни, жумладан қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишда энергия ва ресурсларни тежаш ҳисобига ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини камайтириш, транспорт воситалари рама конструкцияларининг геометрик параметрларини ҳисоблаш, кучланганлик деформацияланиш ҳолатини аниқлаш ва уларнинг бузилмасдан узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган параметрларини ҳисоблаш ёрдамида янги конструкцияларини ишлаб чиқишда сарфланадиган харажатларни камайтириш, синов ва тажриба ишларининг катта ҳажмини ЭҲМда назарий тадқиқотларга кўчириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сон «2012 – 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги 215-сон «2012 – 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3107e/i3107e.PDF>

² <http://ej.kubagro.ru/2013/04/pdf/35.pdf>

технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида транспорт воситалари динамикасини ўрганиш ва рама конструкцияларини ҳисоблаш учун турли услублар ишлаб чиқилган.

Турли транспорт воситалари динамикасини ўрганиш ва рама конструкцияларини ҳисоблаш жараёни ҳамда транспорт воситаларининг ишонччилигини, бузилмаслик ва узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган параметрларини ҳисоблаш жараёни бўйича шуғулланувчи дунё ва юртимизнинг

йирик тадқиқотчилари S.Kotari, V.Gopinath, A.Ghasemi, J.Gandevia, N.S.Kuralay, Y.Lu, S.Yang, S.Li, L.Chen, I.Musa, A.A.Хачатуров, В.Б.Проскуряков, С.В.Вершинский, Б.И.Горбунов, А.И.Стрельбицкий, А.Д.Глущенко, Н.Н.Яценко, Р.И.Фурунжиев, Е.В.Сливинский, А.П.Бондаренко, Д.Р.Эллис, Н.Ф.Бочаров, С.С.Дмитриченко, В.Е.Боровский, М.И.Закс, Б.А.Куров, В.В.Кувшинов, П.Ф.Кузнецов, И.Дьяков, B.S.Dhillon, F.Galetto, St.N.Stroew, Ф.Н.Авдонькин, И.В.Апполонов, И.И.Базовский, Д.М.Беленько, В.В.Болотин, В.И.Брауде, К.Н.Войнов, В.С.Волков, В.С.Канарчук, П.П.Капуста, Р.В.Кугел, В.А.Кузнецов, Е.С.Кузнецов, В.С.Лукинский, В.К.Магомедов, А.Н.Островцев, В.И.Петрушов, А.И.Рембеза, Р.В.Ротенберг, Р.С.Судаков, Е.И.Тескер, О.И.Тескин, К.В.Чернишов, А.М.Шейнин, Т.Андерсен, Н.Дрейпер, В.К.Кабулов, Т.Буриев, А.Абдусатторов, О.В.Лебедев, А.А.Шермухамедов, Э.А.Асатов, А.А.Тожибоев ва бошқалар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқотларда ҳисоблаш жараёнида аналитик услублардан ёки ташқи таъсирнинг мураккаб бўлмаган ҳоллари учун фойдаланилган.

Уларда транспорт воситаларининг бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаши параметрлари циклик юкланишга боғлиқ равишда эмпирик ифодалар орқали аниқланган. Аммо мазкур тадқиқотларда рама конструкциясига ташқи таъсирнинг (йўл шароитининг) мураккаб ҳоллари учун мустақамлик параметрларини аниқлаш, унинг бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаши параметрларини нафақат циклик юкланиш, балки уни тайёрлашда қўлланиладиган турли маркали пўлат прокатларнинг механик хусусиятларидан фойдаланиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» амалий тадқиқотлар дастури доирасидаги К-15-037(2) «Юртимизда ишлаб чиқариладиган ишлаш самарадорлиги юқори бўлган янги тракторлар билан

6

ишлаши учун юк кўтариш қобилияти 6 тонна бўлган автотрактор тиркамасини яратиш» (2009-2011), АЗ-ФК-1-10160 КАЗ 009 «Юқори қувватли тракторлардан фойдаланиш мақсадида юк кўтариш қобилияти 6-8 тонна бўлган транспорт воситаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» (2012-2014) ва КА-3-001 «Қишлоқ хўжалиги юкларини ташувчи юртимизда ишлаб чиқариладиган транспорт воситаларини яратиш ва уларда юкларни даладан қайта ишлаш пунктларигача ташиш схемаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОЗ тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

транспорт воситалари рама конструкцияси параметрларини асослашнинг замонавий ҳолатини таҳлил этиш;

автотрактор тиркамаси ва унинг рама конструкциясига тегишли геометрик параметрларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

автотрактор тиркамалари рама конструкцияси кучланганлик деформацияланиш ҳолатининг математик моделини ва уни ҳисоблашнинг сонли услубини ишлаб чиқиш;

лойиҳаланаётган тиркама рамасининг бузилмаслик ва узок муддат ишлашини таъминлайдиган параметрларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш; назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини таққослаш йўли билан таклиф этилаётган услубларнинг ишончлилигини баҳолаш; тадқиқот натижаларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тегишли иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ОЗ тоифали автотрактор тиркамасининг рама конструкцияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети ОЗ тоифали транспорт воситаларининг рама конструкциясининг кучланганлик-деформацияланиш ҳолати, тиркама рамасининг бузилмаслик ва узок муддат ишлашини таъминловчи кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида классик механика, математик таҳлил ва математик статистика қоидалари, статик ва динамик параметрларини сонли ҳисоблаш учун чекли элементлар усули, тензометрия усуллари, эксплуатацион хусусиятларини аниқлашнинг меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автотрактор тиркамаси ва унинг рамаси конструкциясининг геометрик параметрлари асосланган;

автотрактор тиркамаси рамаси конструкциясининг мустаҳкамлик тавсифлари, бузилмаслик ва узок муддат ишлаш кўрсаткичларини ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилган;

элементлари турли хил маркали пўлат прокатлардан тайёрланган тиркамалар рамаси ресурсини ҳисоблаш формуласи тузатиш коэффициенти киритиш орқали такомиллаштирилган;

7

Вейбулл тақсимоти ва чарчаш эгри чизигининг даражали тенгламаси асосида тиркама рамасини узок муддат ишлашини баҳоловчи формула такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: юк кўтариш қобилияти 6-8 тонна бўлган автотрактор тиркамасининг асосланган параметрлари тавсия этилган ва улар асосида тиркамаларнинг саноат намуналари ишлаб чиқилган («Тиркама», №SAP 01060-2013 й.; «Тиркама (2 та вариант)», №SAP 01488-2016 й.);

юк кўтариш қобилияти 6-8 тонна бўлган автотрактор тиркамаси рамаси конструкциясининг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатини баҳоловчи умумлашган (унификациялашган) сонли услуб ишлаб чиқилган («Транспорт воситаларининг рама конструкциясини статик ҳисоблаш учун компьютер

дастури», №DGU 02866-2014 й.; «Транспорт воситаларининг рама конструкциясини динамик ҳисоблаш учун компьютер дастури», №DGU 02867-2014 й.);

истикболли автотрактор тиркамаси рамаси конструкциясининг мустаҳкамлик параметрлари ва иш режимларини аниқлаш имконини берадиган такомиллаштирилган механик-математик моделлари ишлаб чиқилган;

аналитик боғланишлар асосидаги моделлаштириш ва ҳисоблаш услубиятлари ҳамда тажрибавий тадқиқ этиш натижалари мазкур ОЗ тоифали транспорт воситаларининг тажриба-синов нусхаларини ишлаб чиқаришда лойиҳалаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик ва тиркамаларнинг завод синовларини ўтказиш харажатларини қисқартириш, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тиркама ва унинг рамаси конструкциясининг конструктив, статик ва динамик параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш назарий механика, материаллар қаршилиги ва математик моделлаштириш қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, тиркамаларнинг синовлари ўтказилиб, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бўйича олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ОЗ тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини аниқлаш имконини берадиган математик моделлар, аналитик боғланишлар ва ҳисобий услублар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ОЗ тоифали транспорт воситаларининг тажриба-синов нусхаларини ишлаб чиқаришда лойиҳалаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик ва тиркамаларнинг завод синовларини ўтказиш харажатларини қисқартириш, ишлаб чиқаришда меҳнат сарфи ва сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ОЗ тоифали транспорт воситалари ёрдамида қишлоқ

8

хўжалиги юкларини ташишда ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини камайтириш ва иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади. **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ОЗ тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ОЗ тоифали транспорт воситаларини яратиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та саноат намунасига патент («Тиркама», №SAP 01060-2013 й.; «Тиркама (2 та вариант)», №SAP 01488-2016 й.) олинди. Натижада рама конструкцияси параметрлари илмий асосланган ОЗ тоифали транспорт воситалари саноат намунаси яратилди («Тошкент қишлоқ

хўжалиги техникаси заводи» АЖининг 2015 йил 22 октябрдаги 158-сон маълумотномаси);

яратилган компьютер дастурлари «Трактор» махсус конструкторлик бюроси унитар корхонасининг лойиҳалаш-конструкторлик ва ишлаб чиқариш фаолиятида амалиётга жорий этилди («Трактор» махсус конструкторлик бюроси унитар корхонасининг 2016 йил 27 январдаги 31-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши лойиҳалаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик ва машиналарнинг завод синовларини ўтказиш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2012 йилда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган. Юк кўтариш қобилияти 6 тонна бўлган тиркама 2012 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси йўналишида энг яхши ишланма деб топилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

9

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида ОЗ тоифали транспорт воситалари рама конструкцияси, стержен конструкцияларни сонли ҳисоблаш усуллари таҳлили, автотрактор тиркамаларининг рамаларини лойиҳалашда компьютер дастурий комплексларининг афзаллиги ва камчиликлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Турли транспорт воситалари динамикасини ўрганиш ва рама

конструкцияларини ҳисоблаш жараёни ҳамда транспорт воситаларининг ишончилигини, бузилмаслик ва узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган параметрларини ҳисоблаш жараёни бўйича шуғулланувчи дунё ва юртимизнинг йирик тадқиқотчилари S.Kotari, V.Gopinath, A.Ghasemi, J.Gandevia, N.S.Kuralay, Y.Lu, S.Yang, S.Li, L.Chen, I.Musa, A.A.Хачатуров, В.Б.Проскуряков, С.В.Вершинский, Б.И.Горбунов, А.И.Стрельбицкий, А.Д.Глущенко, Н.Н.Яценко, Р.И.Фурунжиев, Е.В.Сливинский, А.П.Бондаренко, Д.Р.Эллис, Н.Ф.Бочаров, С.С.Дмитриченко, В.Е.Боровский, М.И.Закс, Б.А.Куров, В.В.Кувшинов, П.Ф.Кузнецов, И.Дьяков, B.S.Dhillon, F.Galetto, St.N.Stroew, Ф.Н.Авдонькин, И.В.Апполонов, И.И.Базовский, Д.М.Беленько, В.В.Болотин, В.И.Брауде, К.Н.Войнов, В.С.Волков, В.С.Канарчук, П.П.Капуста, Р.В.Кугел, В.А.Кузнецов, Е.С.Кузнецов, В.С.Лукинский, В.К.Магомедов, А.Н.Островцев, В.И.Петрушов, А.И.Рембеза, Р.В.Ротенберг, Р.С.Судаков, Е.И.Тескер, О.И.Тескин, К.В.Чернишов, А.М.Шейнин, Т.Андерсен, Н.Дрейпер, В.К.Кабулов, Т.Буриев, А.Абдусатторов, О.В.Лебедев, А.А.Шермухамедов, Э.А.Асатов, А.А.Тожибоев ва бошқалар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқотларда ҳисоблаш жараёнида аналитик услублардан ёки ташқи таъсирнинг мураккаб бўлмаган ҳоллари учун фойдаланилган.

Уларда транспорт воситаларининг бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаши параметрлари циклик юкланишга боғлиқ равишда эмпирик ифодалар орқали аниқланган. Аммо мазкур тадқиқотларда рама конструкциясига ташқи таъсирнинг (йўл шароитининг) мураккаб ҳоллари учун мустаҳкамлик параметрларини аниқлаш, унинг бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаши параметрларини нафақат циклик юкланиш, балки уни тайёрлашда қўлланиладиган турли маркали пўлат прокатларнинг механик хусусиятларидан фойдаланиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва бикирлигини ЭХМларда ҳисоблаш одат бўлгач, ҳисоблашнинг янги усуллари пайдо бўлди. Шулардан энг кўп қўлланадигани чекли элементлар усули, чекли айирмалар усули ва чегаравий элементлар усули ҳисобланади. Стержен конструкцияларни бу усуллар ёрдамида ҳисоблаганда олинадиган натижалар классик усулларнинг натижалари билан мос тушади. Бу универсал усуллардан катта кўчишларни ҳисоблашда ҳам, конструкция динамик юкланганда ва эластиклик босқичи чегараларидан ташқарида ишлаганда ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг «**Автотрактор тиркамалари рама конструкцияларини ҳисоблашнинг назарий асослари**» деб номланган иккинчи бобида автотрактор тиркамалари рама конструкцияларининг эластик деформацияларини ҳисоблаш

10

моделли, ОЗ тоифали автотрактор тиркамаларининг габарит ўлчамлари, автотрактор тиркамаларининг рама конструкциясига турлича ташқи таъсирлар бўлганда кучланганлик-деформацияланиш ҳолатини ҳисоблашнинг сонли ҳисоблаш усули, рессорали осмаларининг параметрларини аналитик ва сонли ҳисоби, рессора бикирлигини ҳисобга олган ҳолда ОЗ тоифали транспорт воситалари рама конструкцияларини мустаҳкамликка ҳисоблаш услуби ҳамда

автотрактор тиркамаси рамасини мустаҳкамликка, ҳар хил материаллар қўлланилган ҳолдаги сонли ҳисобига оид натижалар келтирилган.

Автотрактор тиркамалари рама конструкцияларини математик ёритилишини таҳлил қилиб, *виртуал ишлар принципи* (мумкин бўлган кўчишлар) асосида келтириб чиқарилган тенгламалар тизимини танлаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди.

Виртуал ишлар принципида таъкидланишича, жисм нуқталарининг ҳар қандай виртуал кўчишида σ_{ii} (жисмга таъсир этаётган) ички ва ташқи кучлар таъсирининг йиғиндиси нолга тенг бўлади ва қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$\iiint_V \left(\sigma_{ii} + \sigma_{ij} \frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \sigma_{ji} \frac{\partial u_j}{\partial x_i} + p \frac{\partial u}{\partial x} \right) dv = 0 \quad (1)$$

$$F_i u_i dv + p u ds dv, \quad (1)$$

+

$\frac{\partial u_i}{\partial x_j}$

V

$S \cdot V$

ундаги:


$$\iint_S \sigma_{ij} n_j u_i ds = - \iiint_V \sigma_{ii} dv$$

$$F_i u_i dv + p u ds + R_{ij} \frac{\partial u_i}{\partial x_j} dv = - \iiint_V \sigma_{ii} dv$$

$$\iiint_V \sigma_{ii} dv + \iint_S \sigma_{ij} n_j u_i ds + \iiint_V R_{ij} \frac{\partial u_i}{\partial x_j} dv = 0$$

V

ифодалар ташқи ва ички кучлар таъсирини билдиради. Комплементар таъсир (ишлар) принципи аниқланади (1-расм).



1-расм. Деформациялаш ва комплементар (тўлдирувчи) ишлар

Кўчишлар усулига асосланган чекли элементлар усулида, элемент узелларидаги кўчишларнинг тақсимланиши қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$u = N u \quad (2)$$

u - элемент узелларининг кўчиш вектори.

$$\{\varepsilon\}^{ee}[\cdot][\cdot]\{\cdot\} = B u_{(3)}$$
$$\{\sigma\} [\] \{\varepsilon\} = D_{(4)}$$
$$\{\} [] [] [] \{\} \{\} [] \{\} [] \{\}, | \rangle$$

$$e \quad e e e \quad e$$

$$[{}^{eee}_k]\{u\}\{F\} = \quad (6)$$
[illegible]

$$\int \int_{V_e} \{ \} [] \{ \} [] \{ \} \int \int_{S_e} F N p dv N q ds \quad (76) = +$$

Кейинги (7а) ва (7б) формулалар матрицанинг номига мос ҳолда, элементнинг биқирлиги ва элементга таъсир этаётган юклама вектори дейилади. Бу матрицалар аналитик йўл билан тузилади ёки сонли интеграллаш усулидан фойдаланиб ҳосил қилинади.

(6) формулани ҳар бир элемент учун қўллаб ва ҳамма элемент бўйича йиғиндини топиб, бир жинсли бўлмаган биринчи даражали чизикли алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз. Бу системани тугун нуқталарнинг кўчишига нисбатан ечиш мумкин.

Статик масалаларни чекли элементлар усули билан ечишда таҳлил учун қуйидаги тартиб қабул қилинди:

- конструкцияни чекли элементларга ажратиб, моделни қуриш; - (7а) ва (7б) формулалар ёрдамида элементларнинг биқирлиги ва юкламалар вектори матрицаларини ҳисоблаб топиш;
- биқирликнинг тўлиқ матрицаси ва юкламанинг тўлиқ векторини қуриш;
- иккинчи ва учинчи бандлар параллел бажарилади;
- биринчи даражали тенгламалар системасини тугун нуқталарнинг кўчишига нисбатан ечиш;
- (3) ва (4) формулалар бўйича элементдаги кучланишлар ва деформацияларни ҳисоблаш.

Тиркамаларнинг рама конструкцияларини мустаҳкамликка ва биқирликка ҳисоблаш услубини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Хусусий масалалар сифатида бизнинг тадқиқотда қуйидагилар кўрилган: чекли элементлар усули (ЧЭУ) бўйича рамани ҳисоблаш схемасини ишлаб чиқиш ва бунда конструкциянинг бўйлама ўққа нисбатан симметриклигини ҳисобга олиш; статик юкланиш шароитига кўра, тиркама рамасининг кучланганлик

деформацияланиш ҳолати (КДХ) тадқиқ этиш; тиркаманинг номинал юк


12

кўтариш қобилиятига мос келадиган ташқи юклама таъсирида раманинг эгилиш деформацияси; ортилган юк оғирлиги ва ғилдирак тўсиқ устидан ўтганда таянч қурилмага нисбатан юзага келадиган эгилиш ва буралиш таъсирида раманинг деформацияланиши; осма агрегатидаги эластик элементларнинг (рессора ларнинг) эгилиши раманинг КДХга қандай таъсир қилишини ҳисобга олиш; КДХни баҳолаш бўйича бажарилган ҳисобларнинг экспериментал тадқиқот натижалари билан таққослаш (экспериментлар 2ПТС-4-793А тиркамаси устида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази полигониди ўтказилган).

Рама осма ва ғилдирак орқали таянч юза билан боғланган ва статик юклама

остида туради деб қаралади. Конструкциядаги ҳисоблаб топилган кучланишлар тензометрлаш йўли билан бажарилган экспериментал ўлчов натижалари билан солиштирилади (2-расм).

Раманинг КДХни тадқиқ этишда қабул қилинган ташқи юклама қиймати тиркаманинг номинал юк кўтариш қобилиятига мос келади.





2-расм. Автотрактор тиркамаси рамасининг умумий кўриниши

Тиркама рамасининг статик мустаҳкамлик бўйича ҳисобий юкламасини аниқлашда, юкланганлик, муҳандислик ва конструкторлик амалиётида қўлланилиши мумкин бўлган хатоликда, ташиладиган юк массасисига боғлиқ эгилиш деформацияси бўйича баҳоланади. Нотекис йўлда ҳаракатланишдан ва массанинг қайта тақсимланишидан рамада ҳосил бўладиган буралишлар, тенгламалар системасига қўшимча тенглама киритиш йўли билан ҳисобга олинади.

13

3-расмда эластик рессоралар таъсири ҳисобга олган ҳолда рама конструкциясининг ҳисоб схемаси келтирилган. Схема ёпиқ ва очик профилли юпка деворли стерженлардан ташкил топган бўлиб, элементларнинг кетма-кет боғланишидан иборат.





3-расм. Ҳисобий схема

Ёпиқ ва очик профилларнинг геометрик параметрлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{aligned}
 & 4^{2*} \\
 & F \\
 & k; 2 \text{ д } W_k = F; (8) J \\
 & = \int_s \alpha^s \sum \\
 & d_s \quad \delta_n \quad \delta_J \\
 & \quad \quad \quad 3 \\
 & \quad \quad \quad J; \delta^k \\
 & = \quad \quad \quad W = . (9) \\
 & k3 \text{ i l} \quad \quad \quad =_k
 \end{aligned}$$

бу ерда α – коэффициент (двутавр профил учун – 1,2; швеллер учун – 1,12; уголок учун – 1,0); δ – профилнинг ҳар бир қисми қалинлиги (тўртбурчакнинг кичик томони); s – кўндаланг кесимнинг ҳар бир қисми контури узунлиги (тўртбурчакнинг катта томони); F^* – мавжуд кўндаланг кесимнинг юзаси. Агар иши оддий стерженлардан фарқ қилмайдиган ёпиқ профилли юпка деворли стерженларни ҳисоблашда ясси кесимлар қонунидан фойдаланиш мумкин бўлса, очик профилли юпка деворли стерженлар учун бу қонунни қўллаш мумкин эмас, чунки буровчи юкламалар таъсирида кўндаланг кесим текислигидаги нуқталар стержен ўқи йўналишида силжийди. Бундай ҳолатда ҳисоблаш ишлари материаллар қаршилиги назариясининг маълум қоидаларига мувофиқ қуйидаги кетма-кетликда бажарилади: а) эгувчи моментлар эпюраси ҳисобланади;

б) эгиш (букиш) кучланишлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:


$$\begin{aligned}
 & M \\
 & \sigma, \text{ МПа. } \text{н} \\
 & = \\
 & \text{н } W_x
 \end{aligned}$$

Материаллар қаршилиги фанидан маълумки, эгилишнинг дифференциал тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned}
 & \varphi \quad \frac{xx}{x} = \\
 & d \quad x \\
 & M \quad EJ
 \end{aligned}
 \quad (10)$$

бу ерда φ_x — x кесимнинг бурилиш бурчаги; M_x — x кесимдаги эгувчи момент.

Q_1 , M_1 , Q_2 , M_2 ларнинг ифодаларини аниқлаймиз (4-расм). y



4-расм. Стерженли элементга таъсир этувчи кучлар ва моментлар схемаси

4-расмдан кўринадик, x кесимдаги эгувчи момент $M_x = Q_1 \cdot x + M_1$ га тенг, энди дифференциал тенгламани (10) ечиб x кесимнинг бурилиш бурчагини аниқлаймиз:

$$\frac{d^2 \varphi_x}{dx^2} = \frac{Q_1}{EJ} + \frac{M_1}{EJ}$$

x кесимдаги эгилиш қийматини v_x қуйидаги тенгламадан аниқлаймиз:

$$\frac{d^2 v_x}{dx^2} = \frac{Q_1}{EJ} + \frac{M_1}{EJ}$$

φ_x ва v_x ларнинг $x=l$ бўлгандаги ифодасини ёзамиз:

$$\begin{aligned} \varphi_x &= \frac{Q_1}{EJ} x + \frac{M_1}{EJ} x + \varphi_1 \\ v_x &= \frac{Q_1}{2EJ} x^2 + \frac{M_1}{EJ} x + v_1 \end{aligned}$$

$$= + + \varphi +$$

$$l v$$

$$2$$

$$6$$

$$EJ$$

$$2$$

$$EJ$$

$$EJ$$

$$EJ$$

Системани ечиб, қуйидагиларни ҳосил қиламиз: $\begin{matrix} \varphi \\ \varphi \\ \varphi \\ \varphi \end{matrix}$.

$$Q^{-} + +$$

$$6 (2 2)$$

$$EJ l v l v$$

$$- + +$$

$$\frac{2211}{EJ l v l v} M 2 (3 2 3)$$

$$1$$

$$=$$

$$\frac{3-1}{l}$$

$$,$$

$$= -$$

$$\frac{2211}{l}$$

$$2$$

Балканинг охирида $Q_2=Q_1$, $M_2=Q_1 \cdot l + M_1$ га тенг. Q_1, M_1, Q_2, M_2 ларнинг ифодасини матрица кўринишида ёзамиз:

$$Q$$

$$\begin{matrix} ||| & | & ||| \\ | & | & | \end{matrix} = -$$

$$12 6 12 6$$

$$l l$$

$$\begin{bmatrix} ||| & | & ||| & | & ||| & | & ||| & | \\ | & | & | & | & | & | & | & | \end{bmatrix}$$

$$\begin{matrix} 1 \\ M \\ 1 \\ Q \\ 2 \\ M \\ \end{matrix}$$

$$\begin{matrix} EJ \\ 3 \\ l \\ 22 \\ - - - 6 4 6 2 \\ l l l l 12 6 12 6 \end{matrix}$$

$$\begin{matrix} 1 \\ \varphi \\ 1 \\ v \\ 2 \\ \varphi \end{matrix}$$

$$\begin{matrix} l l \\ - \\ 22 \\ 6 2 6 4 l l l l \end{matrix}$$

$$\varphi(11)$$

$$\begin{bmatrix} l & 2 & l & - & 2 \end{bmatrix}$$

Стерженли элементдаги буралишни ҳисобга олишда, буровчи момент

15


таъсир этаётган стерженли элементни элементлар йиғиндиси деб қараш керак. Бундай элементнинг ҳу текисликдаги эгилиш тенгламалари (11) ва x - x симметрия ўқи бўйича буралиш тенгламалари содир бўлади:

$$M$$

бикирлигини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.


Ҳисоблаш услубида нотекисликлар устидан юриб ўтишни эътиборга олиш учун ғилдиракларнинг таянч юзасининг тавсифлари ўзгартирилди. Бунда йўл шароитлари юқорида келтирилган тоифаларга мос равишда тўртта ҳолат кўриб чиқилди:

1. Тўрттала ғилдирак ҳам йўл юзаси билан илашган ҳолатда, юклама эса бир хил тақсимланган (5,а-расм).
2. Тўрттала ғилдирак ҳам йўл юзаси билан илашган ҳолатда, юклама эса нотекис тақсимланган (5,а-расм).
3. Олдинги чап ёки орқадаги чап ғилдирак йўл юзаси билан илашмаган (5,б,в расм).
4. Олдинги чап ва орқадаги ўнг ғилдирак йўл юзаси билан илашмаган (5,г расм).




а) 1- ва 2-ҳолат б) 3-ҳолат

16




в) 3-ҳолат г) 4-ҳолат

5-расм. Йўлнинг таъсир схемалари







а) б)



в) г)



д) е)



а),в),д),ж) – толалар чўзилишининг максимал қиймати; б),г),е),з) – толалар сиқилишининг максимал қиймати; а),б),в),г),д),е) лар учун: 1, 2, 3 – экспериментал қийматлар, 4 – ҳисобланган қийматлар; ж),з) лар учун: 3 – экспериментал қийматлар, 1,2 – ҳисобланган қийматлар

6-расм. Юклама 4 тонна бўлганда лонжерон узелларидаги нормал кучланишлар

Ҳисоблашларда қуйидаги қийматлар қабул қилинган: 1-ҳолат учун (6,а,б расмлар) $P_2=P_{24}=P_7=P_{29}=8800$ Н, $P_4=P_5=P_{26}=P_{27}=2200$ Н, рессоранинг бикирлиги $EJ = 12056$ Н·м²; 2-ҳолат учун (6,в,г-расмлар) $P_2=P_{29}=10800$ Н, $P_7=P_{24}=6800$ Н, $P_4=P_5=P_{26}=P_{27}=2200$ Н; 3-ҳолат учун (6,д,е-расмлар) $P_2=P_{24}=14080$ Н, $P_7=P_{29}=8000$ Н, $P_4=P_5=P_{26}=P_{27}=3520$ Н ёки $P_2=P_{24}=8000$ Н, $P_7=P_{29}=14080$ Н, $P_4=P_5=P_{26}=P_{27}=3520$ Н; 4-ҳолат учун (6,ж,з-расмлар) $P_2=P_{29}=12800$ Н, $P_7=P_{24}=4800$ Н, $P_4=P_5=P_{26}=P_{27}=2200$ Н.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини бир-бирига таққослаб таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди: сифати қониқарли гудрон қопламали йўлларда кучланишнинг максимал қиймати, тегишлича 3% (6,а-расм) ва 3,2% (6,б-расм), гравий қопламали, ейилган қисмлари мавжуд йўлларда - 2,6% (6,в-расм) ва 9,3% (6,г-расм), қаторларининг баландлиги 8-12 см ва қатор ораси 90 см бўлган бурилиш полосасида - 8,2% (6,д-расм) ва 10,6% (6,е-расм), чуқурлиги 40-45 см ва эни 100-150 см бўлган ариқ учун - 7,4% (6,ж

расм) ва 8,5% (6,3-расм).

Шундай қилиб, раманинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатини ҳисоблаш бўйича таклиф этилган услуб экспериментал маълумотларга яқин натижалар беради (кучланишнинг максимал қийматлари бўйича фарқлари 11% гача), шунинг учун ундан автотрактор тиркамалари рама конструкцияларининг мустаҳкамлик параметрларини илмий асослашда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг «**Лойиҳаланаётган тиркама рамасининг бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаш кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида мураккаб техник тизимларнинг ишончилилик меъёрларини ҳисоблаш услублари таҳлил қилинган, тиркаманинг лойиҳаланаётган рамасини бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини (БИЭ) баҳолаш ва узоқ муддат ишлаш кўрсаткичларини асослаш услублари таклиф этилган.

Тиркама ва унинг асосий таркибий қисмларини лойиҳалашда функционал тузилиш схемасини (ФТС) тузиб, конструкциянинг мураккаблик даражасини аниқлаб олиш мумкин.

18

7-расмда тиркама учун ана шундай схема тузилган бўлиб, унинг асосида тиркама элементларининг ишончилигини меъёрлаш ҳисобларини амалга ошириш тавсия этилади.



I, II, III- иерархия даражалари

7-расм. Тиркаманинг функционал тузилиш схемаси

Лойиҳаланаётган тиркама элементларига тегишли P_{3i} ни қуйидаги тартибда ҳисоблаш таклиф этилади, ундан кейин элементларнинг бузилишгача ўртача ишлаш миқдори t_{3i} ни аниқлашга ўтиш мумкин:

- яхлит тиркама учун БИЭнинг қиймати P_c белгиланади (кўп ҳолатларда шатакчи

- тракторнинг P_c қийматига тенг қилиб олинади);
- тиркаманинг функционал тузилиш схемаси тузилади;
 - тиркаманинг ФТС иерархия даражалари бўйича асосий таркибий элементларнинг муҳимлилик даражаси аниқланади;

- мураккаблик коэффициенти (λ)

$$\lambda = \frac{\sum_{i=1}^n K_i}{n} \quad (1)$$

K формуладан фойдаланиб K_i нинг

қийматлари аниқланади, бу ерда n – даражаланган қатордаги элементлар сони, i – даражаланган қатордаги элементнинг тартиб рақами; K_i формула бўйича

- тиркама элементининг талаб этилган БИЭ $t_{\text{эи}}$

аниқланади, бу ерда P_c – лойиҳаланаётган тиркаманинг талаб этилган БИЭ; - тиркамадаги асосий таркибий элементларнинг бузилишгача ўртача ишлаш миқдори $t_{\text{эи}}$ аниқланади;

$$\prod_{i=1}^n P$$

- яқунловчи λ

нинг P_c дан фарқи Колмогоровнинг мувофиқлик мезони

$$\lambda = \max_{i=1}^n |P_i - P|$$

асосида баҳоланади: λ

$$\lambda =$$

Ушбу услуб асосида ҳисобланган раманинг бузилишгача ўртача ишлаш миқдори 18120 км ни ташкил этди.

Тиркамани ишлаб чиқаришда ҳисобий қийматларга риоя қилиниши, сўнгра стенд синовларида текшириб кўрилиши лозим.

Рама конструкциясига таъсир этувчи динамик юкламалар частотасини кўпайтириб, чарчашга синашни 18 мартага ва ундан ортиққа тезлаштиришга эришиш мумкин.

Синовлар пайтида реал йўл шароитларини имитация қилиш учун нотекисликлар баландлигига боғлиқ алмаштириладиган мосламалар қўлланилди. Трактор тиркамаларини чарчаш мустаҳкамлигига синаш учун мосламаларнинг баландликлари 50, 70, 118 ва 120 мм қилиб қабул қилинди.

Шуларни ҳисобга олиб, синов жараёнларини ўтказишда микропрофил сифати қониқарли йўллар олинди. Тиркаманинг ҳаракатланиш тезлиги қуйидаги

ифода орқали аниқланади:

$$V = \omega \cdot l \quad \rho 0,06, (13)$$

бу ерда ω – тиркаманинг хусусий тебранишлар частотаси, 120 мин^{-1} га тенг; l – имитацион нотекисликлар қадами, $0,6 \text{ м}$ га тенг.

Тезлаштирилган синовларда имитацион нотекисликларнинг баландлиги асосий мезон сифатида қабул қилинди. Бу қийматни ўрнатиш учун тиркама конструкциясининг юк кўтарувчи узелларидаги кучланишларнинг амплитудали тавсифлари электр тензометрлаш усули билан танланди. Шу билан тиркама ҳаракати сифати қониқарли шағал йўлда (ўртача статистик баландлиги $6,5 \text{ см}$ ва енгиб ўтиладиган имитацион нотекислик баландлиги $8,0 \text{ см}$) ҳосил бўладиган кучланишлар мос келишига эришилди. Бундай ҳолатда тиркама рамаси ва кузови элементларидаги кучланишларнинг ўртача қиймати $\sigma_0 = 76 \text{ МПа}$ га тенг бўлди. Бу қийматни бузилиш юзага келгунигача бажариладиган цикллар сонини аниқлаш формуласига қўямиз:

$$N \cdot \frac{m N}{?} = (14)$$

$$\times \frac{0.1 -}{?}, m 0$$

бу ерда N_0 – циклларнинг базавий сони, $2 \cdot 10^6$ га тенг; σ_{-1} – пайвандланган рамалар учун ўртача статистик чидамлилиқ чегараси, 40 МПа га тенг; σ_0 – конструкциядаги ўртача статистик кучланиш, 76 МПа га тенг; m – чарчаш эгри чизиғи даража кўрсаткичи, $3,0$ га тенг.

Цикллар сони $2,9 \cdot 10^5$ га тенг бўлиб, ғилдиракка учта имитацион нотекисликлар маҳкамланишини ҳисобга олганда, тиркаманинг умумий юриш йўли 132 км ни ташкил этади, бу эса тиркама хўжалик шароитларида нормал ишлаганда 8 йиллик хизматга тўғри келади.

Шундай қилиб, тиркаманинг $16,5 \text{ км}$ йўлда тезлаштирилган ресурс синови реал шароитларда, уни 1 йил давомида ишлатишга (ҳар куни 30 км юриб, йилда 245 кун) ва $N_1 = 3,6 \cdot 10^4$ юкланишлар циклига мос келади.

Тезлаштирилган синовларни ўтказиш шартлари ва жиҳозлари турли омилларга боғлиқ ҳолда алоҳида ишлаб чиқилади.

20

Тиркаманинг ишончилигини чегараловчи асосий элементлардан бири пайвандланган рама ҳисобланади. У тиркаманинг бутун хизмат муддати – 8 йилда керакли мустаҳкамлик ва ишончилиқни таъминлаши лозим.


Синов натижаларини текшириш учун бузилишгача ўртача ишлаш миқдорининг ҳисобий қиймати $t_{\text{ср.рама}} = 18120 \text{ км}$ ни раманинг юкланиш цикллари сони билан ифодалаш керак. Бу миқдори рамани $2,46$ йил ишлатишга тўғри

келишини ҳисобга олганда, тиркама рамасининг юкланиш цикллари сони (ҳисобий) $N_2=2,46 \cdot 3,6 \cdot 10^4=0,886 \cdot 10^5$ га тенг бўлади.

Синов натижаларини таҳлили раманинг дастлабки бузилишлари кўндаланг балкага тўғри келишини ва у 2,46 йил ишлашига тўғри келишини кўрсатди. Бу натижа юқорида олинган ҳисобий натижаларга тўлиқ мос келади.

Тиркама рамаларини ишлаб чиқаришда энг муҳим масала – ҳар хил маркадаги пўлатлардан тайёрланган мавжуд прокат турларини қўллаш ва танлаш масаласи ҳисобланади.

8-расмда оддий сифатли углеродли пўлатлардан тайёрланган йирик масштаби пайванд намуналарнинг чарчаш эгри чизиғи берилган, унинг параметрлари: пўлатнинг оқувчанлик чегараси σ_T ва юкланиш цикллари сони N .



8-расм. Оддий сифатли углеродли пўлатлардан тайёрланган йирик масштаби пайванд намуналарнинг чарчаш эгри чизиғи

Ҳисоблар бўйича олинган қиймат σ_T га қараб, рамани тайёрлаш учун пўлатнинг оқувчанлик чегарасида $\sigma_T \geq \sigma_{T.хис.}$ пўлат прокатни танлаш мумкин. Конструкциянинг технологик ва эксплуатацион хусусиятларини, ҳамда масштаб омилини ҳисобга олиш учун оқувчанлик чегараси σ_T нинг қийматига тузатиш киритилади:

$$\sigma_{тр} = \sigma \cdot \varepsilon, \quad (15)$$

бу ерда $\sigma_{тр}$ – оқувчанлик чегарасининг тузатилган қиймати; σ_T – муайян пўлат прокат учун оқувчанлик чегараси; ε_n – тузатиш коэффициентлари. Тузатиш коэффициентлари бир нечта коэффициентлар кўпайтмасидан иборат бўлиб, улар ҳар бир технологик ва эксплуатацион омилни ҳисобга олади:

21

$$\varepsilon = \varepsilon_1 \cdot \varepsilon_2 \cdot \varepsilon_3 \cdot \varepsilon_4,$$

бу ерда ε_1 – рама элементларига механик ишлов беришни ҳисобга олувчи коэффициент; ε_2 – тиркамани эксплуатация қилиш даврида рамага коррозия таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент; ε_3 – рама масштабларини ҳисобга олувчи коэффициент; ε_4 – рамани йиғиш технологик омилларини ҳисобга олувчи коэффициент.

Бу коэффициентларни таҳлил қилиб, синов натижалари билан таққослаганда, тиркама рамаси конструкциялари учун тузатиш коэффициентлари $\varepsilon_n = 0,6$ га тенг бўлиши аниқланди.

$$0,55 \cdot 0,57 \cdot 1,02^2 - +$$

